


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухоро шаҳар Халқ таълими
булими мудири
М.Ш.Маттиев



“ ” 2022 йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ
Бухоро – 2022 йил**

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома.**
- II. Техник қисм.**
- III. Нархлар қисми**

I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ.

1. Танлов предмети: Бухоро шаҳар Халқ таълими булимига қарашли 5 мактаб Спорт майдончасини кичик меъморий шаклини тартибга солиш.

1.2. Танлов қиймати 140 256 187 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги тақлифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

1.3 Маҳсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун.

1.5 Ишларни бажариш муддати - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 **Бухоро шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли 18 мактаб Иситиш тизимини жорий таъмирлаш танлов ташкилотчиси** ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Бухоро шаҳар, И.Муминов кучаси, 2-уй.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов **Бухоро шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли**

5 мактаб Спорт майдончасини кичик меъморий шаклини тартибга солиш.

“Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқати ва ваколатлар;

- Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 % фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағлар миқдори.

Молиявий натижалар;

Ишчи ходимларнинг иш стажи ва махсус лицензияга эга эканлиги

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3 Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бопқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

* Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

* Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак;

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларини яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳуқуқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ.

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириш мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. Бошқа шартлар


7.1 . Давлат буюрмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот узайтирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгатишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кунига давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш кун ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухоро шаҳар Халқ таълими
булими мудири
М.Ш.Маттиев

2022 йил

ТЕХНИК ВАЗИФА ВА ШАРТЛАР

Бухоро шаҳар Халқ таълими булимига карашли

5 мактаб Спорт майдончасини кичик меъморий шаклини тартибга солиш буйича.

Ушбу бўлим танлов (конкурс)мавзуларига оид аниқ коидаларни ва танлов ҳужжатларининг бошқа бўлимларида келтирилган маълумотлардан ёки талабларини ўз ичига олади

№	Бўлим номи	Бўлимлар учун тушинтиришлар
1	Буюртмачи	Бухоро шаҳар Халқ таълими булими
2	Танлов мавзуси ёки номи	Бухоро шаҳар Халқ таълими булимига карашли 5 мактаб Спорт майдончасини кичик меъморий шаклини тартибга солиш.
3	Конкурс тартиб рақами	№
4	Буюртмачи манзили	Ўзбекистон Республикаси Бухоро шаҳар С.Муродов 2
5	Алоқа учун шахс	Бухоро шаҳар Халқ таълими булими 65 223 99 92
6	Танлов эълони эълон қилинган жой	“Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси” АЖ https://etender.uzex.uz/ савдо тизими
7	Иштирокчилар танловда иштирок этишларига рухсат этилади	Юридик шахслар бирлашмалари (консорциумов) танловда иштирок этишга йўл қўйилмайди.
8	Товар (иш, хизматларнинг) нархи	140 256 187 UZS (бир юз кирк миллион икки юз эллик олти минг бир юз саксон етти) сум.
9	Танлов ўтказиладиган жой манзили:	Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти Бухоро шаҳар И.Муминов 2 уй
		- Танлов иштирокчисининг бажариладиган ишлар учун кафолат хати, ишни тўлиқ бажариш муддати(Ишларни бажариш муддатини қисқартириш ишнинг сифатига таъсир ўтказмаслиги шарт), Коррупсияга қарши талаблар (684-қонуннинг 13-

10	Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:	<p>моддасига риоя этилиши шарт), техника хавфсизлиги бўйича йўриқнома</p> <ul style="list-style-type: none"> - Танлов иштирокчисининг низом ва гувоҳномаси. - Танлов иштирокчисининг ишчи ходимлар рўйхати. - Танлов иштирокчисининг ҳисоб рақамдаги маблағ қолдиғи(Таққослаш орқали баҳоланади). - Танлов иштирокчисининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик мавжуд бўлмаслиги, инсофсиз ижрочилар ягона реестрда рўйхатида мавжуд бўлмаслиги ҳақида малумот. - Танлов иштирокчисининг ишни ўрганганлиги тўғрисида тасдиқланган малумотнома - Танлов иштирокчисининг банкротлик ҳолатида эмаслиги тўғрисида тегишли ташкилотдан тасдиқланган маълумотнома
11	Танлов бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Эълон жойлаштирилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида ва 2 кун муҳокамада туриши шарт
12	Танлов вазифаларини расмийлаштиришга доир талаблар:	<ul style="list-style-type: none"> -Танлов таклифларини расмийлаштиришда танлов иштирокчиси ўз таклифини муҳрланган тўлиқ илова қилиши шарт -Берилган таклифда товар, иш ва хизматларга доир барча маълумотлар акс эттирилган бўлиши шарт. -Умумлаштирилган суммалар инobatга олинмайди.
13	Шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тулов тартиби ҳақидаги ахборот:	<p>-Шартнома баҳоси ва ижрочи билан ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикаси Миллий валютаси сўмда амалга оширилади.</p> <p>-Ижрочи шартнома 2 томонлама имзоланиб олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 30 кунда товар (иш хизмат)ларни топшириши керак. (топшириш банк иш куни) Тулов тартиби:</p> <p>Олдиндан аванс (бўнак) 30% тўлов амалга оширилади.</p> <p>Товар (иш хизмат)лар тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 70% тўлов амалга оширилади.</p>
14	Танловда иштирок этиш учун таклиф қайси тилда тайёрланиши кераклиги	Ўзбек тили (кирил ёзуви)
15	Тендер таклифларини қабул қилиш	Таклифлар сайтда эълон қилинган кундан бошлаб электрон тарзда қабул қилинади.
16	Молиялаштириш манбаи:	https://openbudget.uz/ порталида таклиф этилган ташаббуслар ичидан ғолиб деб топилган 1000600089 лот учун Халқ депутатлари Бухоро туман кенгашининг 07.10.2022 йилдаги №VI-84-233-7-95-К/22 сонли фармойиши орқали ажратилган маблағ ҳисобидан



ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухоро шаҳар Халқ таълими
булими мудири
М.Ш.Маттиев
2022 йил

**Бухоро шаҳар Халқ таълими булимига қарашли 5 мактаб Спорт
майдончасини кичик меъморий шаклини тартибга солиш бўйича
УМУМИЙ ГРАФИГИ**

№	Товар, Иш ва хизматлар номланиши	Ишларни бошланиш санаси	Ишларни тугатиш санаси
1	Бухоро шаҳар Халқ таълими булимига қарашли 5 мактаб Спорт майдончасини кичик меъморий шаклини тартибга солиш.	Олдиндан тўлов амалга оширилган кун	Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан сунг 30кун

**Бухоро шаҳар Халқ таълими булимига қарашли 5 мактаб Спорт
майдончасини кичик меъморий шаклини тартибга солиш**

Бўйича молиялаштириш умумий графиги:

№	Тулов амалга ошириладиган ойлар	Тулов ҳажми % (фоиз)да
1	Олдиндан аванс (бўнак) 30% тўлов амалга оширилади.(олдиндан тулов)	30%
2	Товар (иш хизмат)лар тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 70% тўлов амалга оширилади. (бажарилган ишга қараб)	70%

Коррупцияга қарши курашиш бўйича

АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкӣ наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф ХУкумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);


Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

_____ / _____ /

Буюртмачи:



_____ / _____ /